



БЎЛҒУСИ ЎҚИТУВЧИЛАРДА ПЕДАГОГИК ОДОБ ХУСУСИЯТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Ш.М.Ахмедова

ЖДПУ Умумий педагогика кафедраси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7337721>

ARTICLE INFO

Received: 08th November 2022

Accepted: 15th November 2022

Online: 19th November 2022

KEY WORDS

Таълим тарбия, ахлоқий тарбия, педагогик одоб, касбий, маънавий-ахлоқий, шакл, усул, педагог одоби, фазилят, сифат, хулқ-одат.

ABSTRACT

Мақолада бугунги глобаллашув жараёнига хос хусусиятлар бўлғуси ўқитувчиларда педагогик одоб хусусиятларини шакллантиришнинг ахамияти, педагог одоби тушунчасининг мазмуни ахлоқийлик билан бирга иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий жиҳатлари ҳақида фикр юритилган.

Турли касб эгалари ахлоқий онгининг ривожланиш даражасидаги ҳар ҳиллик жамият шароитида ҳам сақланади. Ҳозирги даврда ҳам турли касб кишиларида бўлган ахлоқий талаблар мавжуд.

Ўқитувчилик касби ўз моҳиятига кўра ахлоқий характерга эга шунинг учун ҳам, аввало, муаллимнинг ўзи билимли одобли кенг дунёқарашли ва ахлоқ бобида шахсан ибрат бўлиши зарур. Маълумки, жисмоний камолот ҳар доим ҳам инсон маънавий камолоти ва интеллектуал салоҳиятини, яъни инсон дунёқарашининг даражасини тўғри белгилаб олиш имконини беравермайди. Қуйидаги кетма-кетлик эса инсон камолотини жисмоний ва маърифий даражалар асосидаги босқичларини белгилайди: чақалоқ; гўдак; ўқувчи; ўқувчи-шахс; талаба; талаба-шахс; мутахассис; юқори малакали мутахассис.

Аммо бу кетма-кетлик орқали тўла маънодаги шахс камолотини унинг дунёқарашини кенглиги нуқтаи назаридан баҳолаб бўлмайди.

Шунингдек талабаларда педагог одоби фазилятларини шакллантириш таълим-тарбия жараёнининг асосини ташкил этиши лозим. Касбий-ахлоқий тарбияни ташкил этиш талабаларда атрофдаги борлиққа ўқитувчига хос фаол ҳаётий нуқтаи назар, намунали одоб меъёрларини эгаллаш кўникмасини шакллантиради. Инсонни шакллантириш муаммоси ниҳоятда мураккаб ва кўп қирралидир. Бу муаммонинг баъзи жиҳатлари ҳозирги замон педагогика фанида анчагина самарали тадқиқ этилмоқда: -педагогик жараён йўналтирилган таълим-тарбиянинг истиқболли модели, касбий, маънавий-ахлоқий шаклланганликнинг нисбатан идеал ҳолати каби муаммолар устида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Чунки



ўқувчилар хулқининг у ёки бу даражадаги тавсифи, уларда шахсий фазилят ва сифатлар шаклланганлигининг мавжуд даражаси аниқланиб, мўлжалдаги идеал даражасини такомиллаштириш назарда тутилади;

- таълим-тарбиянинг самарали воситалари, шакл, усуллари тизимини яратиш; белгиланган маълум мақсадга эришиш учун зарур билимларни танлаш ва тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш;

Баркамол шахсни шакллантириш талаб этиладиган зарурий сифатлар, хулқ-одатларни шакллантириш хусусиятларини психологик-педагогик жиҳатдан ўрганиш;

-таълим-тарбия жараёнининг боришини назорат қилишнинг самарали тизимини ва таълим жараёнининг мониторингини яратиш кабилар.

Профессионал ахлоққа доир бир неча асарлар муаллифи Я.Г.Якобсон касб ахлоқини шундай таърифлайди: "Профессионал этика маълум бир жамиятда айрим касб учун характерли бўлган ахлоқи нормалар, тушунчалар,баҳо ва идеалларнинг мажмуидан иборат". Профессионал этика

назариячилари ўз асарларида касб ахлоқининг умуминсоний ахлоқ билан узвий боғлиқ эканлигини таъкидлаб кўрсатадилар. Демак, ўқитувчи одоби умуминсоний ва миллий ахлоқнинг қонуниятлари, вазибалари, тамойиллари, тушунчалари, талаблари, мезонларини таълим-тарбия жараёнида ойдинлаштириб, муаллимнинг ўқувчилари, ўз касбдошлари, оналари, мактаб раҳбарлари билан муомала-муносабатларида

ифодаланадиган ахлоқий хусусиятдир. Ўқитувчи одоби фани эса профессионал этиканинг, касб ахлоқнинг ёъналишларидан бири бўлиб, умуминсоний ва миллий ахлоқ қонуниятларининг таълим-тарбия жараёнида қандай намоён бўлишини ўрганади. Комил инсонни тарбиялаш ғояси азал-азалдан халқимизнинг эзгу орзуси, унинг маънавиятининг узвий бир қисми бўлиб келган. Баркамол инсон ҳақидаги юксак, умуминсоний ғоялар Абу Наср Форобий ва Алишер Навоий каби мутафаккирларимизнинг асарларида, айниқса теран ифода этилган. Ҳазрат Навоийнинг «Камол эт касбим, олам уйидин сенга фарз ўлмагай ғамноқ чиқмоқ. Жаҳондин нотаом ўтмак биайних, эрур ҳам момдин нопок чиқмоқ», деган фикрлари ҳар бир инсон комилликни ўзига шиор қилиб олиши зарурлигини англатади

"...Ўқитувчи дейди Ал Фаробий ақл фаросатга чиройли нутқга эга бўлиши ва ўқувчиларга айтмоқчи бўлган фикрларини тўла ва аниқ ифодалай олишни билмоғи лозим. Педагог одобини шакллантиришга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнини ташкил этши учун мўлжалланган идеал масаласи ўта муҳим бўлгани учун педагог одоби фазилятлари шаклланиш модели масаласини талабаларда ўқитувчи одобига хос сифатлар мисолида қуйида батафсил кўриб чиқамиз.

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида ривожланиш ва тараққиёт йўлига тушган бугунги куннинг истиқболи келажагини белгилаш ва таъминлаш, кўп жиҳатдан ҳозирги ёш авлодни маънавий етук ва



интеллектуал салоҳиятли қилиб тарбиялашга боғлиқ.

Касбий-ахлоқий таълим-тарбияни самарали ташкил этиш учун:

-касбий-ахлоқий шаклланганликнинг талаб этиладиган идеал ҳолатини аниқ тасвирлаш, асослаб ифодалаш;

-талабалар касбий-ахлоқий шаклланганлик даражасининг мавжуд ҳолатини аниқлаш;

-талабаларда касбий-ахлоқий шаклланганликнинг мавжуд ҳолати билан идеал ҳолат орасидаги тафовутни аниқлаб, уни бартараф этиш йўллари кўрсатиш;

-таълим-тарбия ва амалиёт таъсирида содир бўлаётган ўзгаришларни назорат қилиш, қиёслаш, зарур бўлганда тузатишлар ва янгиликлар киритиш лозим.

Шунинг учун ҳам таълим-тарбия жараёнини самарали бошқариш муаммонинг баъзи жиҳатларини, талабаларнинг касбий-ахлоқий шаклланганлик даражаси қандай бўлиши лозимлиги, мавжуд ҳолатларнинг қандайлиги, Қандай ? Канақа ? нимага? деган саволларга жавоб топган ҳолда уни исталган идеал томон қандай ўзгартириш мумкинлигига эътибор беришни талаб этади.

Касбий-ахлоқий жиҳатдан шаклланган мутахассис қандай бўлиши керак, деган саволга тўтри жавоб топиш бу соҳадаги кўпгина муаммоларнинг ечимини топишга ёрдам беради. Дарҳақиқат, касбий-ахлоқий жиҳатдан шаклланган мутахассиснинг имкониятлари маълум даражада реал ёки нореал; кўп қиррали ёки бир ёқлама бўлиши мумкин. Масалан, касбий-ахлоқий жиҳатдан шаклланган

мутахассис идеали нореал, яъни, амалда эришиб бўлмайдиган даражада бўлса, назарий жиҳатдан таълим-тарбиянинг самарадорлик даражаси юқори бўлмайди; чунки бундай юқори идеал даражасига санокли талабаларгина эришишлари мумкин. Аксинча, идеал оддий соддалаштирилган бўлса кўпчилик талабалар бунга осонгина, махсус таълим-тарбиявий тадбирларсиз ҳам эришишлари мумкин, бунда самарадорлик бирмунча юқори бўлади. Педагог одоби ўқувчи ҳамда ўқитувчиларнинг ўзаро муносабатларида намоён бўлади. Бундай ёндашув бир қадар чекланган нуқтаи назар эканлигини таъкидлаш жоиз, зеро ўқитувчининг касбий ахлоқи ўқувчилар билан мулоқот жараёнидагина намоён бўлмайди, балки унинг бутун фаолияти давомида биринчи даражали эҳтиёж сифатида ифодаланади. Ахлоқий тарбия билаи педагогик одоб тарбияси ўртасида мураккаб ўзаро боғлиқлик муносабатлари мавжуд.

Педагог одоби тушунчаси ўқитувчи дуиёқарашнинг ҳаётий тизимини англатади. Унда инсоннинг касбий баркамоллиги ижтимоий тараққиётнинг олий неъматини ва мезони хисобланади. Педагог одоби тушунчасининг мазмуни ахлоқийлик билан бирга иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий жиҳатларни ҳам ўз ичига олади. Масалан, педагог одоби тушунчаси демократик фуқаролик жамияти шароитида: ижтимоий инсоний муносабатларни сиёсий соҳада демократик муносабатларни; Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган шахснинг қадр-қимматини хурматлаш,



унинг дахлсизлиги, ўз қобилиятларини эркин ривожлантириш намоён этиш кабиларни ўзида мужассамлантиради. Ахлоқнинг бошқа тоифаларига нисбатан педагог одоби тушунчасининг қўлланилиш доираси жуда кенг.

Ўқитувчининг талабалар билан мулоқот олиб бориш йўллари. (Биз В.А.Кан — Каликнинг педагогик мулоқот ҳақидаги ўқитувчи ва талабалар учун зарур бўлган маслаҳатларини тўлиқ келтираемиз. Инсоннинг меҳнат фаолияти, меҳнат, билиш, мулоқот ... Биз улар ҳақида кўп гапираемиз, таҳлил қиламиз. Бироқ ақл-хушни бир ерга тўплаб, астойдил ўйлаб кўрадиган бўлсак, ғаройиб бир манзарага дуч келаемиз. Инсон меҳнат фаолиятининг шакл ва усулларини ўрганиш учун кўп вақт ажратади, дунёни билиш усулларини ўрганиш учун ҳам кўп вақт сарфлайди. Бироқ инсонлараро мулоқотга ҳеч ким ҳеч қаерда махсус ўргатилмайди. Бизда мулоқот қилишнинг мураккаб санъатига ўқитадиган мактаб ҳозирча йўқ. У бевосита иш жараёнида шаклланиб боради. Тасаввур қилинг, сиз синфга кириб келдингиз. Педагогик мулоқотнинг ёзилмаган ушбу қонунларини яна бир бор эслашга ҳаракат қиламиз. Педагогик жараён бизнинг талабалар билан муносабатимизга асосланади, зотан худди шу муносабатлар педагогик ўзаро таъсирда бирламчидир, ҳар бир «педагогик ҳаракат»га такрорланмас шахсийлик маъносини беради. Ўқув материали ёки педагогик талабни такрорланмас ҳиссиётлар йиғиндиси билан безайди. Буларсиз эса талаба қалби сирини ҳеч қачон англаб бўлмайди. Ўзингизнинг талабалар

билан муносабатингиз ҳақида доимо ўйланг, бу муносабатларни мақсадга йўналтирилган ҳолда тузишга ҳаракат қилинг. Улар педагогик жараёнга, қолаверса ҳар бир талаба шахсига сезиларли даражада мунтазам таъсир этиб қолади. Эсда тутинг, ёзган ҳар бир конспект, матн ортида тарбиявий иш режаси замирида сизнинг талабалар билан ўзаро муносабатингиз масаласи яшириниб ётади.

Бизнинг фикримизча, ахлоқий таълим-тарбиянинг таркибий қисми сифатида педагог одоби фазилатларини шакллантиришда икки йўналишдаги алоқадор тушунчаларни таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир: биринчиси- жамиятнинг ўқитувчи шахсига муносабати; иккинчиси - ўқитувчи шахсининг жамиятга муносабати. Инсоннинг инсонга муносабати иккин гуруҳ алоқалар доирасига киради. Касбий-ахлоқий таълим-тарбия жараёнида улар қисман қамраб олинади.

Юқорида баён этилганлар педагог одоби фазилатларини шакллантиришни таълим-тарбиянинг алоҳида соҳаси сифатида ажратишни тақозо қилади. Айниқса, педагогика ўқув юртлари таълим тизими учун бу жуда муҳим, чунки ўқитувчилик касби учун ўқувчилар ҳақида ғамхўрлик қилиш педагог одобининг асосини ташкил қилади.

Бу ўз навбатида касб одобига йўналтирилган таълим-тарбиянинг мазмуни қандай бўлиши лозимлигини аниқлашни талаб этади.

Чунки таълим-тарбия жараёни бўлажак ўқитувчилар педагог одоби фазилатларини шакллантиришга йўналтирилиши ва ўқув жараёнининг



натижалари идеал билан қиёсланиши
лозим.

педагог одоби фазилатлари
шаклланиш йўллари ўрганилади.

Хулоса ўрнида шуни айтил жоизки
ўқувчилар ва бўлажак ўқитувчиларда
ўз-ўзини ахлоқий тарбиялаш ва

References:

1. Я. Г. Яковсон . О педагогической этике. Л.,
2. М. Очилов, Н. М. Очилова “Ўқитувчи одоби” Тошкент. “Ўқитувчи” нашриёти 2000 й.
3. Ў. Аскарров “Педагогика ” Тошкент. 2008 й